

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЛАУАТДИНОВ САҲАБАТДИН ИНИЯТДИНОВИЧ**

**ИСЛОМ ДИНИ МАНБАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ФИКРЛАР ВА  
УЛАРНИ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

<b>Алауатдинов Сахабатдин Иниятдинович</b> Ислом дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этиш механизмлари .....	3
<b>Алауатдинов Сахабатдин Иниятдинович</b> Воспитательное значение источников исламской религии и механизмы их педагогического анализа.....	21
<b>Alauatdinov Sakhabatdin Iniyatdinovich</b> Educational ideas in the sources of Islamic religion and the mechanisms of their pedagogical analysis .....	41
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	45

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЛАУАТДИНОВ САҲАБАТДИН ИНИЯТДИНОВИЧ**

**ИСЛОМ ДИНИ МАНБАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ФИКРЛАР ВА  
УЛАРНИ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped261 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тилегенов Аскарбай Толегенович**  
педагогика фанлари номзоди, катта  
илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимов Бахтиёр Худайбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Пазылова Меруерт Ермекбаевна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz)

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.Базарбаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, фалс.ф.д., академик

**З.К.Курбаниязова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**Т.Т.Утебаев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
п.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда техноген цивилизация шароитида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш, соғлом эътиқодни тарбиялаш, бўлажак мутахассисларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Франция ва Россия каби давлатларда аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида таълим олувчиларда диний бағрикенгликни шакллантириш, маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, таълим олувчиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда меҳр-оқибатлилик, мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини ривожлантиришда диний манбаларнинг педагогик имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим долзарблик касб этади.

Дунёда таълим-тарбия амалиётида ислом динининг педагогик имкониятларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш ва эмпирик таҳлил этишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, тарихий ва ахлоқий онг инъикоси сифатида ўқувчиларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, тасаввуф таълимоти асосида ўқувчиларда толерантлик фазилатини таркиб топтириш зарурияти мавжуд. Айниқса, «Тарбия» фанини ўқитиш жараёнида ахлоқий мазмундаги ҳадис ва ривоятларни шахсга йўналтирилган таълим билан уйғунликда қўллаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизни ривожлантириш, улуғ аллома аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат, илм-маърифатли, интеллектуал баркамол авлод этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида жамиятда «жаҳолатга қарши – маърифат» деган улуғвор ғоя асосида диннинг инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби фазилатларини ҳамда диний бағрикенглик руҳини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса олий таълим муассасаларида ислом дини манбалари асосида талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш, диний манбаларни ўрганишда ижтимоий-гуманитар ва педагогик фанларнинг узвийлигини таъминлаш механизминини ишлаб чиқишни тақозо этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 07/19/4436/3693-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармонлари, 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3080-сонли, 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сонли, 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимларидан А.Зоҳидий, А.Зуннунов, А.Ҳасанов, Ж.Базарбаев, И.Усмонов, М.Пазылова, Н.Комилов, С.Очил, У.Алеуов, У.Уватов, К.Захидов, К.Қиличева, Қ.Қодиров, К.Носиров, Қ.Тошмуродова, Ҳ.Кароматов, Ҳ.Ҳомидовлар томонидан педагогик фикрлар тарихини бирламчи манбалар асосида ўрганиш, ислом дини ва тасаввуф таълимотининг педагогик имкониятлари тадқиқ этилган.

МДХ республикалари олимларидан А.Джуринский, В.Бартольд, Г.Волков, И.Крачковский, Н.Бордовскаялар томонидан диний манбаларнинг тарбиявий аҳамияти, дидактик имкониятлари очиқ берилган.

Ҳорижлик D.Caner, D.Maria, И.Гольдцигер, К.Босворт, L.Joseph, H.N.Seyyed, R.Mohammed, С.Х.Наср, S.Nicolas, Ҳ.Вамбери каби олимлар томонидан ислом динининг маънавий муҳитни барқарорлаштириш, унинг соғлом тафаккурни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти масалалари тадқиқ этилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитда ислом дини манбалари асосида таълимий-тарбиявий фикрлар ривожининг педагогик имкониятларини тизимли таҳлил этиш ва бўлажак мутахассисларда соғлом эътиқодни ривожлантиришнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти иш режасининг ИТД-1-12 «Таълимий-дидактик кадрларни аниқлаш ва педагогик амалиётга татбиқ этиш» (2009–2011 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ислом дини манбаларидаги тарбиявий фикрларнинг талабалар маънавий маданиятини ривожлантиришга таъсирини аниқлаштириш ва уларнинг педагогик имкониятларини таҳлил этишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ислом дини манбаларининг талабаларни ижтимоий ва оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимидаги ўрнини илмий асослаш;

ислом динининг назарий-тарихий манбаларини таҳлил этиш асосида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ёритиб бериш;

ислом дини манбаларининг тарбиявий имкониятларини таҳлил этиш асосида фанлараро алоқадорликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

педагогик фикрлар тараққиётида ислом дини манбаларининг таъсирини аниқлаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ислом дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этиш жараёни белгиланиб, таълимий тажриба-синов ишларига Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети, Навоий давлат педагогика институти ҳамда Жиззах давлат педагогика институтларининг 1020 нафар респондент-талабалари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** ислом дини манбаларида тарбиявий фикрлар мазмуни, исломий қадриятлар воситасида талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, сўровнома, тест, суҳбат, баҳс-мунозара, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ислом дини манбалари асосида талабаларни ижтимоий ва оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёни тузилмаси (тайёрлов, асосий ва аксиологик) маънавий компетенциялар (ижтимоий-маданий, коммуникатив, соғлом эътиқод) билан олам манзарасини яхлит-интегратив идрок этишнинг дунёвий ва диний уйғунлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

диний манбаларни қиёсий таҳлил этиш орқали талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг тарбиявий имкониятлари диний ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлигини эмпирик асослашга йўналтирилган антропологик ёндашувнинг аксиоматик компонентига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда саноген (соғлом) тафаккурни ривожлантириш жараёни ижтимоий-гуманитар (фалсафа, маънавият асослари, диншунослик) ва педагогик (тарбиявий ишлар методика, ижтимоий педагогика) фанларнинг ички интеграциясини таъминлаб берувчи фанлараро модулли таълим технологиясининг когнитив ва амалий босқичлари қайта алоқасини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда умуммаданий компетентлиликни ривожлантириш технологиясининг амалий компоненти диний манбаларни шарҳлаб ўқиш, нарротологик (баён этиш), суггестив (ишонтириш), рефлексив (ўз-ўзини англаш) усулларни қўллашнинг теологик имкониятларини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ислом дини манбаларини ўрганишга доир миллий ва хорижий тажриба тизими компаративистикаси аниқлаштирилган;

ислом дини манбалари мазмуни, йўналиши, тарбиявий аҳамиятига кўра тасниф қилинган;

маънавий маданиятни ривожлантириш омили сифатида ислом дини манбаларининг педагогик имкониятларини амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган;

талабаларда толерантлик сифатларини шакллантириш, соғлом тафаккурни ривожлантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, улар асосида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, мамлакатимиз ва хориж олимларининг тадқиқотлари таҳлиллари келтирилганлиги, тадқиқот доирасида ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади ҳамда муаммо республика, МДХ ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК томонидан эътироф этилган республика ва хорижий журналларда чоп этилган мақолалар орқали эълон қилинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ислом дини манбаларининг талабаларни ижтимоий ва оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимидаги ўрни, диний ва дунёқарашни ривожлантириш компонентлари, маънавий компетенциялар тизими, ислом динининг назарий-тарихий манбаларини таҳлил этиш асосида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари аниқлаштирилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда миллий ва ижтимоий-маданий анъаналарни таркиб топтиришнинг деонтологик хусусиятлари очиб берилганлиги, ислом таълимотининг маданиятлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришдаги аҳамияти асосланганлиги, ислом дини манбаларининг тарбиявий имкониятларини таҳлил этиш асосида фанлараро алоқадорликни таъминлаш йўллариининг белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий-гуманитар ва педагогик фанлар мазмуни ва таркибий асосларини маърифатпарварлик фаолияти тузилмасига мақсадли йўналтириш алгоритмининг ишлаб чиқилганлиги, педагогик фикрлар тараққиётида ислом дини манбаларининг таъсири халқ педагогикаси, этнопедагогика, оила педагогикаси, маънавий тарбия асослари модулларини ўқитиш жараёнига тизимли татбиқ



этилганлиги, ижтимоий-маданий анъаналарни таркиб топтиришнинг эмпирик асослари корреляциясининг аниқлаштирилганлиги, тадқиқот натижаларидан “Умумий педагогика”, “Оила педагогикаси”, “Халқ педагогикаси”, “Қиёсий педагогика” фанларини ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ислом дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларнинг педагогик таҳлил этиш механизмларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

ислом дини манбалари асосида талабаларни ижтимоий ва оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёни тузилмаси ҳамда маънавий компетенцияларни аниқлаштиришга доир таклифлардан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 18 апрелдаги 262-сонли қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикасида диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-табдирлар дастурининг “Ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида “Диншунослик” ва “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари” деб номланган 2-бандини ҳамда “Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунини ўрганишга бағишланган “Ахборот соати” ва “Маънавият кунлари”ини ўтказишга доир 3-бандини ишлаб чиқиш ва унинг дидактик таъминотини яратишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 10 декабрдаги 07-09/5-12/1246-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларда диний бағрикенгликни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

диний манбаларни қиёсий таҳлил этиш орқали талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг тарбиявий имкониятлари, диний ва умуминсоний кадриятларнинг ўзаро алоқадорлигини эмпирик асослашга йўналтирилган антропологик ёндашувнинг аксиоматик компонентига устуворлик бериш билан аниқлаштиришга оид таклифлардан И1-ХТ-0-17222 рақамли «Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришда халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш (2013–2014 йй.)» инновацион тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 октябрдаги 89-03-4112-сонли маълумотномаси). Натижада диний дунёқарашни ривожлантириш компонентларининг маънавий компетенциялар тизими билан бевосита алоқадорлигини эмпирик баҳолаш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларда умуммаданий компетентлиликни ривожлантириш технологиясининг амалий компоненти, диний манбаларни шарҳлаб ўқиш, нарротологик (баён этиш), суггестив (ишонтириш), рефлексив (ўз-ўзини англаш) усулларини қўллаш имкониятларини кенгайтиришга доир таклифлардан ХТ-0-92997 рақамли «Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммолари (2012–2014 йй.)» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 октябрдаги 89-03-4112-сонли маълумотномаси). Натижада исломий

кадриятлар тизимининг ижтимоий-гуманитар ва педагогик фанлар мазмуни ва таркибий асосларини маърифатпарварлик фаолияти тузилмасига мақсадли йўналтириш имкониятларини кенгайтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та республика ва 4 та халқаро форум ҳамда илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2019 йил 20 декабрьдаги 7250- сонли хулосаси асосида тайёрланди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 11 номда илмий иш, шулардан Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 147 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Исломи дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этишнинг назарий асослари**» деб номланган бўлиб, унда Марказий Осиё тарихида диний дунёқараш билан қомусий илмларни ўзида мужассам этган буюк арбоблар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳониддин Марғилоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби буюк аждодларимизнинг ислом динини ривожлантиришга, нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон цивилизацияси тараққиётига ҳам улкан ҳисса қўшганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Ватандошларимиз Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийларнинг асарлари (ҳадислари) ислом дини алломаларининг далолатига кўра, Қуръони Каримдан кейинги асосий манба бўлиб ҳисобланиши таҳлилий маълумотлар асосида назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Халқ педагогикаси соҳасида фаолият юритган мутафаккирларнинг асарлар давомида ўз кадр-қимматини йўқотмай келаётган фикрлари, жаҳон

тарбияшунослик фанининг ўрта асрлар ва янги замондаги намояндалари қарашлари ҳам миллий истиқлол мафкураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий руҳ бағишлашда муҳим аҳамият касб этади. Улар томонидан илгари сурилган тарбиявий-фалсафий ҳикматлар, таълимотлар, диалектик фикрлар, гуманистик ғоялар ҳам миллий истиқлол мафкурасининг умуминсоний асосларидир.

Тасаввуф таълимоти биз учун назарий ва амалий аҳамиятга эга, нега деганда у: халқимизнинг инсоний ғурурини юксалтириб, тубанлик, пасткашлик ва руҳий инқироздан сақлаб туради; ўлкамизда яшайдиган турли халқлар ва миллатлар бирлашиб яшаши учун бағрикенглик маданиятини умумлаштиришга ёрдам беради; умумбашарий инсон-дўстлик ғоялари билан ҳар қандай фундаменталистик оқимлар, айниқса, диний экстремизмга қарши туради; тинчликсеварлик ғоялари тарғиботчиси сифатида ҳар қандай уруш ва қуролли тўқнашувларга қарши амал қилади; инсонни улуғлаб, уни юксак мақомларга кўтаради ва маънавий тараққиёти учун муносиб замин яратиб беради.

Имом ат-Термизий ҳадисларни йиғишда тарбияга оид бўлган масалалар ечимини излаш учун ўз олдига асосий изланишлар мақсади қилиб қуйидагиларни белгилайди: ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилиш, мамлакатда мавжуд бўлган маданий муҳитни кучайтириш, таълим-тарбиянинг ўзига хос услуби, ҳадислар ёрдамида инсон тарбиясига таъсир кўрсатиш масалаларини ривожлантириш, ҳадисларни ажратиб олишнинг махсус механизмларини ишлаб чиқиш, ислом дини таълимотида тарбиявий воситаларнинг ролини аниқлаш орқали инсоннинг маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш ишларини муҳим деб билган. Дин асрлар давомида «Худога сиғиниш», «Худонинг ўзи ёр бўлмаса, банданинг қўлидан ҳеч нарса келмайди», «Худо кўзёшингни кўриб турибди» каби тушунчаларни инсонлар онгига сингдириб келди, дин у дунёдаги беҳиштни (жаннат), ўлганлар билан курашишни ваъда қилиб кишилар қайғусини енгиллаштирди. Ҳозир одамзод олдида икки дунёқараш: диний ва илмий материалистлик қараш мавжуд. Бунинг қайси бири қандай? Диний уламолар исломни илм ҳисоблайди. Агар ислом илм бўлса, у ҳам дунёда илмий дунёқарашни англатади.

Мазкур бобда диний бағрикенгликни ривожлантиришда республикаimiz ютуқларини жаҳон ҳамжамияти олдида тарғиб қилиш, Ўзбекистон тажрибасини чет давлатлар билан қиёслаб кўриш ва тажриба алмашиш, илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, тарих, фалсафа, маданиятшунослик, социология, диншунослик, педагогика, психология каби фанлар мутахассислари томонидан тадқиқ қилиниши давр талабига айланганлиги назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Миллий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, миллий ғоя ҳамда истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан салбий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик тарбия соҳасидаги асосий вазифамиздир. Дин ва унга эътиқод, маънавият аёл ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий ҳаёт, тинчлик

ва барқарорликни таркиб топтиришда аёлларимизнинг ана шу ишонч ва эътиқодини ҳурмат қилиш асосида уларнинг эътиқоди, тафаккури, онгини жамият тараққиётидаги маънавий-ахлоқий талабларни ҳал этишга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минглаб қўлёзма асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Муқаддас зиёратгоҳлар, обидалар, ёдгорликлар, кадамжолар билан боғлиқ мутафаккирлар, алломаларнинг ижоди ва фаолияти, илмий мероси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, шарҳлаш, манбаларини аниқлаш, уларнинг илмий аҳамиятини очиқ бериш ва яхлит тизимга келтириш, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш бугунги кунда умумий педагогика фани изланувчиси ва тадқиқотчилари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Тадқиқот муаммосига оид манбалар таҳлили шунини кўрсатадики, ислом дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этишда қўйидаги муаммолар мавжуд: ҳадисларни таҳлил этиш юзасидан олиб борилган педагогик тадқиқотлар, тажрибаларнинг родини ошириш; ҳадисларни ўрганишда халқ педагогикаси материалларидан фойдаланишнинг ижобий томонларини аниқлаш; ҳадислардаги миллий ғояларнинг ривожланиш жараёнларини педагогик жиҳатдан очиқ бериш ва таҳлилини ўтказиш; ҳадисларда мавжуд бўлган инсонпарварлик тарбияси сифатларини аниқлаш ва ўрганиш; ҳадисларнинг тарбиявий имкониятини аниқлаш; ҳадислардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича тарбия услублари ва воситаларини аниқлаш.

Ушбу бобда Ўзбекистонда ислом дини шаклланишида ислом дини манбаларининг педагогик аҳамиятини ўрганишда Қуръони Каримнинг педагогик мазмуни ва таълим-тарбия жараёнидаги роли, ҳадисларнинг ижтимоий ҳаёт ва таълим тизимидаги аҳамияти, турли йўналишдаги ислом дини илмий манбаларининг қиёсий педагогик таҳлили ўтказилди ва шунга мос равишда хулосалар ишлаб чиқилди. Бутунжаҳон ижтимоий фанлар тизимида шу нарса аниқланганки, барча мафкуралар ўзининг туб моҳиятига кўра фалсафий, диний, миллий, тарбиявий таълимотлар асосида яратилади. Яна шуниси ҳам аниқки, сиёсий кучлар, ғоявий мактаблар илм-фаннинг тарихий ва сўнгги ютуқларига таяниб, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Ҳадисларни ёзиб қоғозга тушириш масаласига келадиган бўлсак, Расуллулоҳнинг қирқ нафарга яқин саҳобалари (издошлари) бўлиб, улар нозил бўлган ваҳийларни, яъни Қуръони Карим оятларини мунтазам ёзиб борганлар. Шунингдек, садақа-эҳсонларни, қарз ва омонатларни, муомала ҳамда мактубларни турли тилларда ёзиб турувчи избошлари ҳам бўлган. Лекин ҳадислар тўла бир тўплам шаклига кетирилмайди. Бунинг сабаби бир томондан саҳобаларнинг хотиралари ўта кучли эканлиги, ёзув қуролларининг етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан ҳадис ёзувлари оятларга араллашиб кетмасин деган эҳтиёткорлик эди. Шунинг учун ҳам ҳадис йиғишда маълум

тартибга риоя қилинган. Кейинги даврларда мавзулар бўйича бобларга ажратилган, фойдаланиш учун анча қулай ҳадис тўпламлари вужудга келган. Хулоса қилиб айтганда, буюк маънавий меросни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Ҳадислардан фойдаланишда юзага келадиган илмий муаммонинг педагогик ечими халқ педагогикасини такомиллаштириш, унинг илмий-услубий шакллари яратиш билан боғлиқдир.

Ҳадисларнинг бой маъноси эса уни уқиш, тушуниб етиш жиҳатига боғлиқдир. Масалан: «Аллоҳдан кўрқ! Яхшилиқнинг кичкинасини ҳам кичик демай қилавер, гарчи челагиндан сувни сув олмоқчи бўлган кишининг челагига қуйиб бериш билан ёки биродарингга очик чехра билан юзланишинг билан бўлса ҳам яхшилиқ қил. Кийиминг этагини кибр учун узун қилма! Зеро, кибрни Аллоҳ яхши кўрмайди. Агар сени бирор киши сўқиб, сенда йўқ айб билан сени айбласа, сен уни унда айб билан ҳам айблама, уни қўябер, шунда гуноҳи унга, савоби сенга бўлади. Ҳеч қачон ҳеч кимни сўкма!»

Ушбу ҳадисни турли хил ижтимоий фанлар, йўналишлар, ғоялар асосида шарҳлаш мумкин. Бунинг учун эса, албатта, улардан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш методларини излаш зарур.

Бироқ ислом дини манбалари ёрдамида талабаларни инсонпарварлик ва миллийлик руҳида тарбиялаш фақатгина дарс машғулотлари билангина чекланиб қолмасдан, балки дарсдан ташқари ўқув-тарбиявий ишларни, тадбирларни олиб бориш, унинг мазмуни, шакли ва услубини такомиллаштиришни тақозо этадики, бу масалалар ҳали педагогика фанлари тизимида етарли даражада ўрганилмаган ва ўзлаштирилмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ислом дини манбаларида педагогик фикрлар ва уларни талаба ёшлар тарбиясида фойдаланиш зарурати**» деб номланиб, унда таълим-тарбияга доир фикрлар дастлаб халқ педагогикасида ўз ифодасини топганлиги, халқнинг тарбияга доир тажрибаларини ўрганиш ҳамма даврларда ҳам мутафаккирларда қизиқиш уйғотганлиги, халқ тарбиясининг илк педагогик фикрлари ислом дини асосида тарбия қилишда, ислом манбаларида миллатимизга хос бўлган тарбиявий элементларнинг кўриниши вужудга келишида бош фундамент ёки асос бўлиб саналиши ифодаланган. Диннинг ижтимоий ва гносеологик илдизлари, ижтимоий моҳияти, келиб чиқиши ва ривожланишини холис ҳамда муфассал таҳлил этиш, диннинг руҳий илдизи инсон психикасининг хусусиятларига боғлиқлигини маълум ижтимоий-тарихий заминда шаклланиб намоён бўладиган инсон психикасининг муайян жиҳатлари йиғиндиси сифатида талқин қилиш мумкин. Диннинг психологик илдизлари – диннинг вужудга келиши ва ўзлаштирилиши учун энг яхши психологик шароит яратиб берувчи ижтимоий ва индивидуал, гуруҳий психологиянинг ҳолатлари, жараёнлари, механизмлари, ижтимоий-психологик илдизлар жамият ва гуруҳлар психологияси белгиларидан иборатлиги, ижтимоий-психологик муҳитнинг танглик ҳолатлари, тесқари муносабат, оммавий ва гуруҳий изтироб ҳамда қийналишлар, ижтимоий фикр, таъсир этиш, тақлид

килиш, урф-одатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши каби жиҳатлари ёритиб берилган.

Тадқиқот жараёнида ислом дини шаклланишининг тарихий босқичларини ўрганар эканмиз, Ўзбекистонда ислом дини шаклланишининг ижтимоий-педагогик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган тарихий-хронологик ва илмий-назарий босқичларини қуйидагича тартибладик: кириб келиши – VII–VIII асрлар; шаклланиши – IX–XI асрлар; ривожланиши – XI–XVIII асрлар; таназзулга учраши – XIX аср охири ва XX аср бошлари; таъқиб – 1910–1960 йиллар; эътиборсизлик – 1961–1990 йиллар; қадриятлар асосида қайта тикланиши – 1991–2000 йиллар; ривожлантирилиши – 2001 йилдан ҳозиргача. Бундай тартибланиш педагогик таҳлилларни янада чуқурроқ ўтказиш ва, шу билан биргаликда, ислом дини ривожининг сиёсий-тарихий даврини зарур вақтда ҳисобга олиш имкониятини вужудга келтиради.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топдиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар, айниқса, исломшунослик фанлари соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига эътибор бермаслик мумкин эмас. Шунингдек, динни сиёсийлаштиришга уриниш унинг моҳият-мазмунини кетказди, фуқароларнинг эътиқод эркинлигига салбий таъсир кўрсатади. Бирор дин асосидаги сиёсий ҳаракат бошқа динларга эътиқод қилувчилар онгида ўринли ҳадикка асос бўлади. Исломни сиёсийлаштириш, мураккаб-лаштириш турли номақбул ҳолатларга сабаб бўлади ва унинг моҳиятидан, асл асосларидан чалғиб, ғаразли мақсадларда унга янгиликлар киритиш салбий оқибатларга олиб боради.

Халқимизнинг миллий қадриятлари салкам 14 асрдан бери ислом қадриятлари билан чамбарчас боғланиб, бир-бирига сингиб кетган. Шундай экан, ота-боболаримиз улуғлаган одамийлик, маърифат, поклик дини бўлган исломнинг жамиятни руҳий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш борасидаги таълимоти, хусусан, унинг узвий қисмларидан бўлган оила тарбиясига оид қарашларини чуқур ўзлаштириш ўз келажагини қуришга ҳар томонлама қобил наслларни вужудга келтиришга ҳисса қўшади. Зотан, оила қуриш, инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг мустаҳкамлигини белгилайди. Ислом оиланинг поклиги, жипслиги, осойишталигига эътибор билан қараб келган. У оиланинг бош муаммоси саналмиш никоҳни инсон муносабатлари ичида энг муқаддаси деб ҳисоблайди. Ислом ҳуқуқшунослигида «шахснинг ҳуқуқий ҳолати» тушунчаси ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, ушбу хусусиятлар ислом ҳуқуқшунослигининг табиати, унда ислом ҳуқуқшунослиги тузилиши ва таълимоти, унинг манбалари тарихий ривожланишининг акс этганлиги билан боғлиқ.

Диний экстремизм қандай номланмасин, масалан: «фундаментализм», «экстремизм», «терроризм», унинг мақсади битта – жанговор гуруҳларни ташкил этиш орқали давлат бошқарувини қўлга олиш. Мазкур масалада ёш-

ларга ҳам диний, ҳам замонавий интеллектуал илмларни ўргатадиган муассасалар фаолиятини такомиллаштириб бориш лозим.

Мамлакатимизда қабул қилинган ҳужжатларда фуқароларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ асосий ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги турмуш тарзи бунинг ёрқин мисоли бўлиб хизмат қилади. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ диний омилнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги ўрни ижобий томонга қараб силжиди. Барча фуқаролар ҳақиқий эътиқод эркинлигини ҳис эта бошладилар. Мамлакатимизда диний бағрикенглик тамойиллари такомиллашмоқда. Миллатлараро тотувлик, тинчлик бош мезонимиз бўлгани сабаб турли-туман дин вакиллари, диний жамоалар, арбоблар жамият ҳаётида тобора фаол иштирок этиб, маънавиятимиз, кадриятларимиз тикланишига, энг асосийси, давлатимизнинг ҳар соҳадаги ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқдалар.

Ислом дини тарихи, назарияси, ғоялари ва анъаналарини ўрганиш борасида ватанимиз олимлари томонидан фундаментал тадқиқотлар амалга оширилгани маълум. Шулар қаторида ислом динига оид тарихий меросдан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш масаласида бир қатор муаммолар мавжуд. Масалан, ислом дини манбалари ва улардан таълим тизимида фойдаланиш бўйича бир қатор ўқув қўлланмалар, дарс ишланмалари яратилган бўлса-да, уларнинг аксарияти таълимнинг баъзи йўналишлари (масалан, исломшунослик, диншунослик ва бошқалар)ни ривожлантириш мақсадида намуна олиш ёки тарбия мазмунини очиб беришда фойдаланиш билан чекланиб қолган. Умуман олганда эса улар услубий масалаларни кучайтиришга қаратилгандир.

Бизнинг тадқиқотимиз нуктаи назаридан олиб қараганда эса илмий меросдан фойдаланиш, биринчи навбатда, ўрганилаётган мавзунинг зарурлиги ва уни қандай манбаларга таянган ҳолда ўтиш керак, деган саволнинг юзага келиши билан боғлиқ омилларни тадқиқ этишга асосланади. Бунда битта масала, яъни ёшларнинг тарих тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишлари мақсадида ислом динининг юзага келиши ва шаклланишининг турли босқичлари, қолаверса, диний асосларнинг педагогик хусусиятлари кўриб чиқилишига зарурият пайдо бўлади.

Иккинчидан, ўша даврларда илмий тараққиётга бўлган муносабат ва шароит, манбалар билан ишлашнинг илк шакллари қай аҳволда бўлишига қарамасдан илм излаш, диний масалалар ёритилиши, уларнинг мазмунини очишга ҳаракат қилиш муаммолари юзасидан уламолар билан ўзаро фикр алмашиш машаққати мавжуд бўлганлигидадир. Маълумки, исломий дунёқараш, маънавият ва ахлоқ қоидаларининг асосини икки муқаддас ҳужжат – Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръон Карим ва Пайғамбаримизнинг қилган ишлари ҳамда кўрсатган йўл-йўриқлари мажмуи бўлмиш ҳадиси шарифлар ташкил қилади. Бугунги кунда ислом дини ва унинг асосий қисми бўлмиш фикр – ислом ҳуқуқшунослигини давр талабини назарда тутган ҳолда ўрганиш ва уни ўзлаштириб, амалий ҳаётда унда фойдаланиш заруратга айланди.

Диний экстремистик оқимлар ва фундаменталистлар ислом динининг моҳияти, мазмунини ва олий инсоний меъёрларини бузиб талқин қилиб, ундан ўз тубан мақсадлари учун фойдаланишга уринганликларини диққат билан кузатадиган бўлсак, ҳозирги даврда ушбу дин таълимотининг туб моҳиятини ёритиб, унинг тинчликсеварлик ва инсонпарварлик мақсадларга қаратилган ғояларини тўғри талқин этиш, фикҳнинг амалий ҳаёт билан чамбарчас боғланган бир ҳуқуқий тизим эканлигини кўрсатиш нечоғли илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини тушуниб оламиз.

Ислом динини педагогик жиҳатдан ўрганиш масалалари Ўзбекистонда умумий педагогика ва педагогика тарихи фанлари тизимида педагогикада ислом дини ва маданияти масалаларига бўлган илмий муносабат ўзгача тус олиши кераклиги ҳақидаги тушунчани олиб киради. Сабаби ислом дини диний теология (таълимот)ни тарғиб қилиш ишларидан йироқ бўлиб, у Ўзбекистонда ўзбек халқи анъанавий педагогик маданиятининг маълум бир қисми таркибида шаклланган. Шунга кўра миллий тарбиямизнинг баъзи кўринишларида исломий маданият тарбияси сезилади (масалан: дуога қўл очиш, фотиҳа қилиш, режалаштирилган тадбирлар вақти ва муддатини номоз, исломий ойлар ва ҳоказолар билан боғлаш). Педагогика тарихида ислом дини асосларининг тарбиявий хусусиятларини ўрганиш назарияси ривожлантирилади (масалан, ислом динига ижтимоий воқелик сифатида тавсиф бериш, ислом дини «даъвати»дан кўрқиб керак эмас, балки ислом дини аҳкомлари, қоидаларининг ислом дини элементлари сифатида инсон ҳаётидаги ўрнини халқнинг дини сифатида тушунтириш ва ҳ.к.).

Диссертациянинг **«Ислом дини манбаларида тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этиш механизмининг самарадорлик даражаси»** деб номланган учинчи бобда ислом дини манбаларидаги педагогик фикрлар ва уларни талаба ёшлар тарбиясига татбиқ этиш механизмининг самарадорлик даражасини оширишга қаратилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Олий таълим тизими педагогика йўналишида ислом дини манбаларидаги тарбиявий фикрлар ва уларни педагогик таҳлил этиш механизмларининг самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтларида тажриба синов ишлари ўтказилди. Тажриба ва назорат гуруҳлари учун жами 1020 нафар талаба ва 42 нафар профессор-ўқитувчи танлаб олинди. Тажриба-синов ишлари 3 босқичда олиб борилди.

Биринчи босқич (2013–2014 йй.)да ислом дини тарихи билан боғлиқ тадқиқотларга доир диссертациялар, илмий-назарий, ҳуқуқий, диний-ижтимоий, фалсафий, тарихий йўналишдаги илмий асарлар, адабиётлар, матбуотда эълон қилинган мақолалар, шунингдек, мавзуга оид архив ва расмий хужжатлар ўрганилди; тадқиқот режаси ишлаб чиқилди; ислом даври тарихига оид бўлган манбалар, фикрлар, асарлар тўпланди ва уларнинг



мазмуни, хронологик тартиби, мантикий зарурлиги танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

